

Курьерлик хизматини кўрсатиш тўғрисида  
ШАРТНОМА № 01/04

« 31 » 01 2022 йил.

Андижон шаҳри

«Uznet Components» МЗМ келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб номланади, унинг бошлиғи И.В. Рафиев бир томондан, «Ўзбекистон почтаси» А.Ж. Андижон филиали Андижон туманлараро почта алоқа боғламаси бошлиғи М.Хайдарова келгусида «ПОЧТА» деб номланган НИЗОМ га асосан фаолият кўрсатувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздилар:

**1. Шартнома моҳияти.**

Буюртмачи топширади, «ПОЧТА» ўзига «БУЮРТМАЧИ» топширган хат-хабарларни Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, Андижон шаҳар ва Андижон вилояти ичида қуйидаги шартларга асосан олувчиларга етказиб бериш мажбуриятини олади.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари.**

«Буюртмачи» мажбуриятни олади:

-Хар куни шанба ва якшанба кунларидан ташқари соат 9-00 дан 11-00 гача «Почта» хат-хабарларини топширади:

-Вилоятлар, Андижон шаҳри ва Андижон вилояти туманларига етказиб бериш учун хат-хабарларни тузилган рўйхатга асосан «Почта» га тақдим этади: (реестр)

-Хат-хабарлар конвертларида иккита манзил кўрсатилган бўлса «Почта» хатларини иккинчи манзилга етказиб беради:

-Хар ойнинг охириги санасида бажарилган ишлар юзасидан «Почта» тузган далолатномаларни имзолайди ва хизмат ҳаққи тўлайди:

-Хатларда жўнатувчи ва олувчининг манзиллари тўлиқ ва аниқ (Вилояти, тумани, шаҳри, қишлоғи, кўчаси, уй рақами, почта индекси, исми ва фамилияси, телефон рақами) кўрсатилиши шарт:

2.2. «Почта» мажбуриятни олади.

-«Буюртмачи»дан Андижон шаҳри ва Андижон вилояти шаҳар туманларига етказиб бериш учун хат-хабарларни қабул қилади:

-хатларда манзиллари ноаниқ кўрсатилган бўлса «Буюртмачи»га қайтарилади:

-«Буюртмачи» хатларни Андижон шаҳрида соат 9-00 дан 11-00 гача қабул қилинган хатлар учун иш кунида, Андижон вилояти ҳамда туманлар ичига беш иш кунида олувчилар манзилларига етказиб беради:

-«Буюртмачи»га етказиб берилган хатларнинг хабарномаларни бир иш кунида қайтаради:

-хар ойнинг охириги санасида бажарилган ишлар буйича далолатнома тузиб,

-бирор ҳолатга кўра хатлар олувчига етказиб берилмаса, бу тўғрида «Буюртмачига»га тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади (20 маълумотнома).

**3. Ҳисоб - китоб тартиби.**

3.1. Ҳисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади Шартноманинг умумий суммаси **5 000 000 (Беш миллион)** сўмни ташкил этади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Гозначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк иш кунида «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларнинг хар ойлик суммасининг 30 % ни «Почта»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Хар ойнинг охириги кунида қолган охириги 70 % ни «Почта» томонидан кўрсатилган хизматлар учун тузилган далолатнома асосида 5 банк иш кунида етказиб беради.

**4. Хизматга ҳақ тулаш тартиби.**

4.1. Хар бир дона жунатма (хат) учун «Буюртмачи» «Почта»га «Ўзбекистон почтаси» А.Ж. филиаллари томонидан корхона ва ташкилотларга кўрсатиладиган курьерлик хизмати тарифлари буйича **6500 (Олти минг беш юз)** сўмдан хизмат ҳақи тўлайди.



4.2. Агар «Буюртмачи»ни айби билан, «Олувчи» хатни олишдан бош тортса ёки ушбу манзилда яшамаётган бўлса «Буюртмачи» «Почта»га 100 фоиз хизмат ҳақи тўлайди.

4.3. Хизмат ҳақи, почта тарифи ва почта конвертлари нархлари ўзгарса «Почта» бу ҳақида «Буюртмачи»га 1 (бир) ой олдин хабар беради.

### 5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Агар «Почта» «Буюртмачи»га хизмат кўрсатмаса ёки ўз вақтда хизмат кўрсатмаса «Почта» «Буюртмачи»га ўз вақтида берилмаган хатнинг суммасидан 0,1 фоиз ҳар бир кун учун жарима тўлайди, лекин тулов хат суммасининг 50 фоиздан ошмаслиги керак:

5.2. «Почта»ни бажарган ишларига хизмат ҳақи «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун «Буюртмачи» «Почта»га умумий суммани 0,1 фоиз миқдорида жарима тўлайди:

### 6. Низоларни ҳал этиш тартиби.

6.1. Ҳар бир келиб чиқадиган шикоят, келишмовчиликлар ва бошқа масалалар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал этилади:

6.2. Ҳар бир келиб чиқадиган шикоят, келишмовчиликлар ва бошқа масалалар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал этилмаса, иктисодий суд органлари орқали ҳал этилади:

### 7. Форс – мажор.

7.1. Томонлар ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган шартларни назорат қила олмаган ҳолда мажбуриятларини қисман ёки умуман бажара олмаган (ҳарбий ҳаракатлар, ёнгин чиқиш, сув тошқини, ер қимирлаши ва бошқа ҳолатларда) агар ушбу ҳолатлар таъсирида бўлса жавобгарликдан озод қилинади. Бундай ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар тугагунга қадар узайтирилади ва ўз кучида қолади.

### 8. Қўшимча шартлар.

8.1. Бирорта томон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томонга ёзма равишда келишилган ҳолда беришга ҳаққи йуқ:

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар ёзма равишда тақдим этганда ва имзолаганида амалга оширилади:

8.3. Барча маълумотлар, ҳужжатлар ва йўриқномалар давлат тилида олиб борилади.

### 9. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1. Ушбу шартномани имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 - йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.


9.2. Ушбу шартнома томонларнинг ўзаро келишувларига асосан бекор қилиниши мумкин.

9.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

10. Томонларнинг юридик манзили, банк ҳисоб рақамлари ва раҳбарлар имзоси.

«БУЮРТМАЧИ»

«П О Ч Т А»



«Ўзбекистон почтасти» АЖ  
Андижон туманлараро почта алоқа  
боғламаси  
Манзил: Андижон шаҳар А.Фитрат 214 уй  
Тел: 74 223-24-74

х/р: 20210000100503897079  
МФО 00401 ИНН 200833833  
ОКЭД 52100  
Банк номи: Алоқа банк Андижон филиали  
Бошлик: М.Хайдарова.

Лист согласования условий договора №01/04 от 31 января 2022 г.  
 Между ООО «UzautoComponents» и «Узбекистон Почтаси» АЖ Андижон

филиали

Предмет контракта		Курьерские услуги	
Общая сумма контракта		5 000 000,00 UZS	
Условия оплаты		30 % аванс	
Условия поставки			
Срок выполнения		с даты получения счет-фактуры	
Руководитель службы		Ф.И.О.	Салимохунов М.
Исполнитель		Ф.И.О.	Рузиев И.
Согласовано		Мнение	
Заместитель генерального директора по общим вопросам		Подпись	
Главный бухгалтер		Подпись	
Главный юрист/консульт		Подпись	

*Handwritten signatures and notes in blue ink:*  
 - Top left: Signature of the General Director.  
 - Middle left: Signature of the Deputy General Director.  
 - Middle right: Signature of the Chief Accountant.  
 - Bottom right: Signature of the Chief of Service.  
 - Middle: "Мнение" (Opinion) section with a signature and the word "Подпись" (Signature).  
 - Right side: "Подпись" (Signature) labels for the Chief of Service and the Deputy General Director.